Мендан, зўр Танкист чиқади
Бу кетишда.
Аммо, бу ҳақда
Онамга айтмайман.
Ҳавотир олади.

Ўзингни топгунингча -
ҳамма нарсани
йўқотиб
қўймасанг бўлди,
дедим, ўзимга.

Уйимга кетяпман деб ўйлаб
Бошқа кўчага
кириб қолибман
Кейин қайтиб чиқдим,
Кўчангдан.

Уйларга,
бегоналар кириши
мумкин эмас, деб ёзилса
Кўпчилик кирмасди
Ўз уйига.

Сен ҳақингда ўйлаганим:

Сен

фақат

бахтли бўлишинг

керак эди.

Мендан сўраманглар

Очиғи

Мен ўзим ҳам

Билмайман

Нима бўлаётганини.

Кўп гапирганим билан

Индамайдиган пайт

Мен ҳам

Индамасдим

Ҳамма қатори.

мен, қачондир

сен ҳақингда ёзишни

бас қиламан.

кейин

ёзишни тўхтатсам керак.

Сен билан

Узоқларга

Индамай

Жим

Кетавердик.

Илтимос,
Мени қидирма
Шуни деб
Сени
Тополмаяпман.

сен
адабиётга
ўхшайсан.
кетсам
қайтгим келаверади.

сен
кўп гапларингни
йиғлаб
юбормай деб
айтмасдинг.

сендан
мактуб
олмаганимга
почтальон
билан урушдим.

ўлимим олдидан
бутун ҳаётим
қисқа-қисқа лаҳзаларда
кўринса
сен бир лаҳзаси бўласан.

яхшилаб ўйлаб кўрганимизда
ҳаммаси
яхши бўларди
ва бирга бўлардик.
...биз ўйлаб кўрмадик.

яхшимисан? десам,
яхшиман, дема.
мен балки,
сендан
рост сўраётгандирман.

сен, ахир
нега бунча ўзгардинг
мен энди сени,
ўзингдан ҳам
тополмаяпман.

ҳеч бўлмаса
ўзинг ўзингни
тушуниб тур.

бўлмаса

ҳеч ким қолмаяпти.

сенга

бирорта ёзганим

ёқиб қолар, деб

кўп ёзяпман

атайлаб.

биз

кўп урушганимиздан

ярашиш

эсимиздан чиқиб қолди

бўлмаса, ярашардик.

сен

мени

айбдор қилгунингча

мен

яшаб бўлган бўламан.

Ақл -

Вужуднинг тўнғич ўғли.

Қалб -

Вужуднинг кенжа қизи.

Қизим, бугун нима қиламиз?

сени
кўп нарса
кулдиролмасди.
сен фақат ўз устингдан
мириқиб кулардинг.

Нималар қилиб қўйдик!
О, биз
Нима қилиб қўйдик?
Энди буни
Қандай такрорлаймиз?!

Ҳеч бўлмаса битта
Китоб чоп этсам керак
Мени соғинганингда
Китобимни қучиб
йиғлашингга.

Бахтингни
роса қидирдинг сен
аммо бир маротаба ҳам
топилмалар идорасига
бормадинг...

ёнингиздаги одамларга

тушунтиришингиз шарт эмас.
зотан улар
тушунганидан
ёнингизда.

сенга
томон
кетмоқдаман
оқ йўл
тиламайсанми?

"Ўзингни сев"
"Ўзингга ишон"
"Ўзингни англа".
Мен бу сўзларни тушунмайман.
Шунинг учун, сени изламоқдаман.

Сен
Юрагинг билан
Бирга
Алоҳида
Оила эдинг.

Сен кўп ўйладинг
Нега ўшанда
Унинг кўзларига
Кўпроқ

Тикилмаганингга...

Ўз ҳолимга қўйинг,

дединг..

Аҳир сен,

шундоқ ҳам

ўз ҳолингдасан...

Сен ҳақингда эсимда қолгани:

Сен

кулгуларинг

орасида

йиғлаб олардинг.

Ўзингни

эҳтиёт қил

Сендан бошқа киши

Буни

қилолмайди.

Ойна тушиб кетди.

Ойна парчаларини

Сипираётиб

Ёдимга тушди

Ўтган ҳаётим.

сени
йўқотишдан
қўрқардим.
энди эса
қўрқмайман...

балки,
сени севмасман, деб
яна сени
кўргани бордим.
бекор борибман...

нега
менга эришолмадинг, деб
мени
қаттиқ
урушдинг.

сен
мени беқарор дединг.
ахир, севиб қолиш учун ҳам
бир қарорга
келиш керак-ку.

Сен асли,

камгап
эмас эдинг.
Суҳбатдошинг
Йўқ эди, холос.

Мени ҳам
тушун дединг.
Мени ким тушунади?
Эсласам
Тушунарсиз шахс эдим.

Ҳаммаси яхши бўлади.
Чунки, бундан баттари
бўлмайди.
Энди бундан буён
Ҳаммаси яхши бўлади.

мени соғинганингизни
менга айтманг
ўзингиз ҳал қилинг.
сизни соғинганим
менга етмоқда.

сени қучиб, айтдим:
биз ҳали бахтли бўламиз.
сен эса йиғлading
нега йиғлаганингни

кейин билдим.

менга тушунтирсангиз
тушунардим, бари -
қандай эканини.
ўзим тушунишимга
кўп вақт кетиб қолди.

бахтли бўлишимизга
жуда оз қолганди.
биз буни
бахт ҳақидаги суҳбатларда
мақтаниб юрдик.

эртага
ёмғир ёғади
дейишмоқда.
эртага
сени соғинсам керак.

исмингни
билганлари учун
сени
бошқа исм билан
чақиргим келади.

Сени унутишни бошладим

Бугундан

Энди ҳар куни

Сени

Унутишни ўйлайман.

(Азиз Нур хотирасига бағишланади)

Дўстим менга гапириб

Сўнг тушунтирар,

Бундан жаҳлим чиқади

Аҳир, дўстимсан-ку!

Барини тушунаман...

мени душман билманг

ўзингизга

душманингиз

сизни

яхши кўрмайди-ку?

хотирамдаги ёмон қисмлар

ўчиб кетмоқда.

яхшилари қолди, деярли.

фақат яхшилари қолди.

сен ҳақингдаги ҳамма хотира қолди.

хайр, деганингни
эслолмай
сенга қайтаверсам
эсипаст
демайсанми?

кел
севиб қолганимдан ташқари
ҳаммасини
бошидан
бошлаймиз.

йўқ
сен
бунча гўзал бўлишинг
мумкин эмас
мен кўзларимни рад этаман!

айрилиқ
қандай бўлишини
билишим
керак эди-ку
барибир.

нега
яшамаётганимизни

менам

тушунмайман

очиғи.

ёшлигимда

ҳаммага ҳамма нарсани

тушунтирмоқчи бўлардим

кейин

тушундим.

Яхши бўлишга

Уринмай қўявер.

Мен сени

Барибир

Яхши эди, деб эслайман.

мени

бошқа

бахтсиз

қила

олмайсан.

сен

менга

бахтли бўлиш

мумкинлигини

эслатиб турасан.

бағрингга бошимни қўйиб
ўйлагим келади
икки киши
қандай
бахтли бўлиши ҳақида.

бахтга томон
кетаётиб
кўзим
илиниб қолди
узоқ юрдим шекилли.

Хотира шаҳрингга қор ёғиб
барча ишлар
қорнинг остида қолса
тонгда уйғониб
табассум қилсанг.

сендан кейин
деярли ҳеч нарса ўзгармади
деярли - деган рўйхатни
сенга
бермайман.

мен ўлсам

ёки сен ўлсанг
барибир,
ажралардик-ку тўғрими?
ўлиш қолди, фақат.

сени унутсам ҳам
тушларимга киришингни
ҳеч ҳал қилолмадим
нима қилсам
тушимга кирмайсан?

тушимга
кирганингга
мен
сени
урушдим.

сен билан
ажралгандик-ку
нега
тушимга
кирдинг?

мен
сенга
тушунтиришдан чарчаб

кейин
сени севишни бошладим.

сенинг
ва ҳақиқатнинг кўзига
тик қарагим келмайди
бир қарасам, кейин
кўзларимни узолмай қоламан.

мен ўзи
камгапман
сенга
кўп гапираман
холос.

бир-биримизни
топгунча
кимларни учратмадик-а
нега уларни
учратдик.

"охири улар
бахтли ҳаёт кечиришибди"

сен ҳам
охирини
кутмоқдамисан?

мен
сенга
бориб
йиқилдим...
майлими суянсам?

кечирасиз
ҳеч ким билан
гаплашгим йўқ
ҳатто
ўзим билан.

баъзида
ҳали ҳам
тирикманми деб
атрофга ҳайрон
қараб қоламан.

бувим тирик бўлганларида
охири яхшилик билан тугайдиган
эртак айтиб беришларини сўрардим
эшитиб бўлиб
кейин ухлаб қолардим.

сенга энди
вақт
кўрсатади
қаерда
хато қилганингни.

ўғлим келса
телефонимга
ўйин юклаб олади
кетганидан кейин
ўйинларни ўчиргим келмайди.

бағрингизга босиб
қаттиқ қучоқлаб
"ҳаммаси яхши бўлади"
денг, она...
мен яна йигирма етти йил яшай.

сўзлардан
уй қураман
кичик-кичик уйлар
фақат
юрак сиғадиган қилиб.

мен

бор-йўғи

мени севишингни

хоҳлагандим

кўп хоҳладимми?

сенга эришолмаганимдаги

барча айб ўзимники.

шундан сўнг

ўзим билан ўзим

гаплашмай қўйдим.

кўзларимга

нега

узоқ қараб қолдинг

кўзларимда

мени учратдингми?

қачонгача

бировларнинг кўзига

бахтли кўринмоқчисан

ўз кўзингга

қачон бахтли кўринасан?

бесабаб кулаётган бўлсам

ҳайрон бўлманг

мен балки

ўз устимдан
кулаётган бўламан.

---

oqqushga
o'z ovqatingdan
yegulik berayotgan qizcha
dunyoni
qutqarmoqdamisan?

---

men avvaldan
bermagan savollaringga
javob topib qo'ydim
o, nega men
bunday qildim.

---

endi uyimdagi oynalar
sinmayapti
uyimdagi oynalar
bus-butun endi
endi nima qilaman ularni?

---

qor yog'sa
sen bilan
aylanmoqchi edim
hozircha
faqat qor bor.

osmondan

uzoq masofa bosib

menga kelayotgan

qor parchalarini

eritib yuborayotganimni qara.

***

yo'q, yo'q!
bundan boshqa
chiroyli bo'lish mumkin emas.
senga qarab
shularni o'ylayman.

***

seni kuzatishda davom etaman
seni o'qishda davom etaman
seni sog'inishda –
davom etaman!
davom etmasligimni so'rama…

***

meni sevmasliging
hazilga o'xshaydi.
men aytaman senga –
«bu hazil emas!»
sen ham hazil emasligini aytasan.

***

hayotdan
chiqib ketib bo'lmaydi –
chetroqqa borib turdim…

jim turibman
o'sha yerda.

***

seni bor-yo'g'i o'yladim
kutganim yo'q…
birdan
sen kelding!
kutsam bo'lar ekan.

***

mana men
bu yerdaman –
xotirangni
esingga tushib qoladigan
joyida.

***

tan olaman –
ismingni unutolmas ekanman.
ammo, tabassuming
unutmoq istayman
hech bo'lmasa.

***

menga sendagi –
hotirjamlik
meni sevmasliging
va jingalak soching yoqadi.
qanday qilasan bularni?

***

shu yerda
turib tursin, deb
yuragimning

bir yeriga
qo'yib qo'ydim seni.

***

hotirjam edim…
yo‘qotadigan narsam
yo‘qligidan
shunday bo‘lib qolgan
bo‘lsam kerak.

***

ko'z oldim qorong'ulashib
yiqildim yuztuban,
qo'limdan ushlab
turishimga yordam berdingiz
so'zimni davom etishim uchun.

***

eskilardan
faqat yomg'ir qoldimi
senda ham?
kutib tur, yaqin orada yog'adi
o'sha yoshligingdagi yomg'ir.

***

shu yerda
turib tursin, deb
yuragimning
bir yeriga
seni qo'yib qo'ydim.

***

urushib qoldim
kecha
do'stim bilan.

undan sira
xafa bo'lmadim.

***

men bugun
xursandman.
xursand bo'lganimda
seni o'ylamaslikka
harakat qilaman.

***

seni uchratsam
senda gapim yo'q.
sen bilan
birga bo'lgim keladi
faqat.

***

hali
hammasi oldinda
dedim-da
o‘zim
ortga qarab ketdim.

***

go'zalligingga
qurbon
men bo'ldim
talab
shunday ekan.

***

bir kam dunyo –
o'sha «bir»
sensan!

bo'ldi,
boshqa sanamayman.

***

qiziq –
insonlar juft-juft,
men hayron qolaman ularga!
ular juft-juft,
nega ajralib ketmaydi ular?

***

vaqt
davo bo'lmayapti –
qo'limdagi soat
hozir
buzilib qoldi.

***

yig'lama, deyman senga
seni yig'lashdan to'xtataman…
ovutaman seni –
o'zim senga qo'shilib
yig'lab yubormaslik uchun.

***

menga ishonma,
men –
qofiya qidirishga
eringan bola,
seni qidirarmidim!

***

bor gapni eshitdim
bor gapni aytdim
endi senga
bitta gap -

kam emas.

***

«men uchun o'lgansan!»
deysan,
mayli, o'libman –
o'lgan odamni
ziyorat qilmaysanmi endi?

***

sen kulishni
bas qilmasang edi…
men
kulishni
to'xtatmasdim!

***

bir hazilni
ushlab olib –
senga nuqul
o'sha hazil bilan
hazil qilgim kelaveradi…

***

seni
qaytib ko'rmasligimni
bilsam ham
sen bilan oddiy xayrlashdim
o'shanda.

***

yo‘lda meni uchratib qolsang,
senga boqmay o‘tib ketsam
xayol surib -
sen haqingda
o‘ylab ketayotgan bo‘laman.

***

odamlarning
men haqimdagi
fikrlari – rost.
siz meni
baribir eshitmayapsiz-ku…

***

sog'inchimni yengdim, oxiri
endi rostan seni sog'inmayapman
endi sog'inchim yo'q -
men bilmayman
qayerda yuribdi u.